

**Шовдиров Тохирмалик Нафасович**  
**ТДШУ “Шарқ мамлакатлари иқтисодиёти”**  
**Кафедраси ўқитувчиси**

## **ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АХБАРОТ ХАВФСИЗЛИГИ МУАММОЛАРИ ВА УНГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР**

**Аннотация.** Маълумки ҳозирги глобллашув шароитида, ахбарот технология соҳалари ва рақамли иқтисодиётнинг ривожланиб бориши билан биргалликда уларга бўлган хавф-хатарлар ҳам ошиб бормоқда. Охирги йилларда мамлакатлар миллий иқтисодиёти ахбарот технологиялари ривожланганлиги натижасида товар ва хизматлар яратишида ижобий натижаларни ҳам олиб келмоқда.

Ушбу мақолада ахбарот технология соҳаларининг ривожланиши ва унга бўладиган хавф-хатарлар ва уларнинг олдини олиш бўйича кўриладиган чора-тадбирларга оид тегишли таклиф ва тавсиялар берилган.

**Таянч сўзлар.** Ахбарот тизимлари, ахбарот хавфсизлиги, кибер жиноятлар, шифрлаш, ахбарот ресурслари, ахбарот таъминоти, электрон ҳукумат, дасурий таъминот, сирли ёзув.

### **КИРИШ**

Бугунги кунда миллий иқтисодиётнинг ривожланишида ахбарот технологиялари соҳасининг ўрни муҳим аҳамиятга эга, охирги йилларда мамлакатлар иқтисодиётида рақамли иқтисодиёт, мобил алоқа ва интернет тизимининг ривожланиши миллий иқтисодиётлар ЯИМ таркибида етакчи улушга эга. Айниқса охирги йилларда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиб бориши миллий иқтисодиётларда табиий ресурсларни чеклашга ҳам замин яратмоқда.

Бу каби соҳаларнинг ривожланиб бориши мамлакатлардан ахбарот хавфсизлигини таъминлашни талаб қилади, барча мамлакатлар ҳозирда ўз миллий иқтисодиётини ва стратегик дастурларини ахбарот хавфсизлигидан ҳимоя қилишни дастурил амал сифатида кўрмоқда. Тез ривожланиб бораётган ахбарот-коммуникация технологиялари барча мамлакатларда бўлгани каби,

бизнинг кундалик ҳаётимизнинг барча жабҳаларига сезиларли ўзгаришларни олиб кирмоқда.

### **Таҳлил ва натижалар**

Ҳозирги кунда дунё мамлакатларида ахбарот ва интернет тизими юқори даражада ривожлангани сари уларга бўлаётган хавфлар ҳам ортиб бормоқда. Ҳозирда мамлакатлар олдида турган асосий масалалардан бири ушбу хавфларни жиловлаш ва уларга қарши курашиш муҳим масалалардан биридир.

Ҳар бир мамлакатда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам ахбарот хавфсизлиги ва унга бўладиган турли даражадаги таҳдидлар, кибер ҳужумларнинг бўлиш эҳтимоли ошиб бормоқда ана шуларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрь куни “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат килиш, уларни химоя килиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4024 сонли қарори қабул қилинди, ушбу қарорнинг асосий мазмуни мамлакатда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, ахбарот хавфсизлиги ва кибер жиноятларнинг олдини олиш масаласи ва шу билан бирга, давлат органлари ва ташкилотларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўрилаётганига қарамадан «Электрон ҳукумат» тизими ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва қатор ишларнинг жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишига, ахборот соҳасидаги таҳдидларга қарши курашишга тўсқинлик қилувчи қатор муаммолар сақланиб қолаётганлиги кўрсатиб ўтилган бўлиб улар қўйидагилар:

**биринчидан,** ахборотлаштириш субъектлари томонидан қонун ҳужжатлари, норматив ҳужжатлар ва давлат стандартларининг ижро этилиши устидан назорат ва текширишнинг амалдаги механизми замонавий талабларга мувофиқ эмаслиги кўрсатилаётган хизматлар сифатининг пасайишига олиб келмоқда;

**иккинчидан**, ахборот хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга масъул ягона ваколатли органнинг мавжуд эмаслиги мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг самарасизлигига сабаб бўлмоқда;

**учинчидан**, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан жорий этилаётган аппарат воситалари ва дастурий маҳсулотларни экспертиза ва сертификациядан ўтказиш тизимидаги камчиликлар уларнинг «Электрон ҳукумат» тизимига жадал интеграциялашувини сусайтирмоқда;

**тўртинчидан**, телекоммуникация, ахборот ва киберхавфсизлик соҳасидаги назорат тизими, муҳим ахборот инфратузилмасининг мукамал эмаслиги давлат ахборот тизимлари объектлари, рақамли иқтисодиёт ва шахсий маълумотларнинг заифлашувига олиб келмоқда;

**бешинчидан**, бузғунчи кучларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва Интернет тармоғидан фаол фойдаланиши аҳоли, айниқса, ўсиб келаётган авлоднинг дунёқараши ва онгига салбий таъсир кўрсатмоқда;

**олтинчидан**, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва жорий қилиш бўйича тизимли ишларнинг мавжуд эмаслиги миллий ахборот маконини ҳимоя қилишнинг замонавий усуллари жорий қилиш имконини бермаяпти.

Ахборот тизимини такомиллаштириш ва унга қарши самарали курашиш ҳар бир мамлакат олдида турган асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ахборотнинг муҳимлилик даражаси тарихдан бизга маълумки, барча замонларда ахборотни ҳимоялаш учун турли хил усуллар қўлланилган. Улардан бири бу - сирли ёзувдир. Ундаги хабарни хабар юборилган манзил эгасидан бошқа шахс ўқиш имконига эга бўлмаган, бундай ёзувлардан фойдаланишда мамлакатнинг юқори қатлам вакиллари элчихона, махсус разведка бўлимлари фойдаланган бўлса охириги йилларда эса, ахборотнинг кенг қатламлари жорий этила бошлади ва бу тизим ҳар бир соҳага кириб бориб кўп серияли товар ва маҳсулотга айланди.

Ҳозирда ахборот тушунчаси сотиб олиш, сотиш, бирор бир бошқа товарга алмаштириш мумкин бўлган махсус товар белгиси сифатида тез-тез

ишлатилмоқда. Шу билан бирга ахбаротнинг баҳоси кўп ҳолларда унинг ўзи жойлашган компьютер тизимининг баҳосида бир неча юз минг ва минг баробарга ошиб кетмоқда. Шунинг учун тамомила табиий ҳолда ахбаротни унга рухсат этилмаган ҳолда киришдан, қасддан ўзгартиришдан, уни ўғирлашдан, юқотишдан ва бошқа жиноий ҳаракатлардан ҳимоя қилишга кучли зарурат туғилади. Аммо, жамиятнинг автоматлаштиришини юқори даражасига интилиши ва уни фойдаланиладиган ахбарот-технологияларининг хавфсизлиги савиясига боғлиқ қилиб қўяди.

Амалиётда ахбарот хавфсизлиги ва кибер жиноятларга қарши курашувчи халқаро ташкилотлар мавжуд бўлиб улар бутун дунё мамлакатларига ахбарот хавфсизлиги билан боғлиқ юзага келадиган хавф-хатарлар ва жиноятларга қарши курашишда яқиндан ёрдам бериш билан биргаликда унга доир нормативларни ҳам ишлаб чиқаради.

Ушбу халқаро стандартларни жорий этувчи ташкилот штаб квартираси 1947 йил 23 февралда Швейцариянинг Женева шаҳрида ташкил этилган. Ушбу ташкилотга ҳозирда 192 та мамлакат аъзо бўлиб, жами 157 та бўлимлари фаолиёт олиб бормоқда. Ушбу халқаро даражадаги ИСО/ИЕС 27002 энг яхши амалиётларни бажариш билан бирга қуйидаги соҳаларни амалга оширади:

- хавфсизлик сиёсати;
- ахбарот хавфсизлигини ташкил этиш;
- активларни бошқариш;
- кадрлар хавфсизлиги;
- жисмоний ва экологик хавфсизлик;
- алоқа ва операцияларни бошқариш;
- еркин фойдаланишни бошқариш;
- ахбарот тизимларини сотиб олиш;
- ривожланиш ва техник хизмат кўрсатиш;
- ахбарот хавфсизлиги инсиденти бошқаруви;
- бизнеснинг узлуксизлигини бошқариш;
- мувофиқлик.

Яна бир халқаро стандарт СП800 стандартидир ушбу халқаро стандарт 1901 йилда АҚШ федерал савдо департаменти агентлиги ҳузурида ташкил этилган. Ушбу ташкилот АҚШ.даги инноватцияларни бошқариш уларни ташқи ахбарот хавфсизлигидан ҳимоя қилиш ва саноатни ривожлантириш ва рақобатбардошликни таъминлашга доир ишларни амалга ошириб келади. қолган ривожланаётган мамлакатларга ҳам ҳуқуқий ва илмий-амалий маслаҳатларни бериб боради ва мутахассисларни ўқитиш бўйича ҳам махсус дастурларни ишлаб чиқади.

Ушбу (НИСТ) ташкилотнинг умумий бюджети 931,5 миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда ва ташкилотда 2900 га, яқин олимлар ишлайди, ушбу ташкилот қуйидаги стандартлар асосида ишлайди ва АҚШ саноати учун махсус стандартларни ишлаб чиқади.

Ҳозирги кунда мамлакатларда ахбарот ва интернет тизими қанчалик ривожлангани сари уларга бўлаётган хавфлар ҳам ортиб бормоқда. Амалиётда мамлакатларнинг таҳдидларга мос акс таъсир кўрсатиш лаёқатига эга бўлган ахбарот хавфсизлик тизимини яратиш учун, ривожланган мамлакатларда ахбарот урушининг замонавий концепциялари, ўзига хос хусусиятлари, ахбарот қуролининг турлари қўллаш ва ишлатиш самарадорлиги, шунингдек, хорижий мамлакатларда ахбарот хавфсизлигини таъминлаш масалалари қай тарзда ечилиши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш керак.

Ахбарот қуроли деб номланувчи воситалар:

- ахбарот массивларини йўқ қилиш, бузиш ёки ўғирлаш;
- ҳимоя тизимларини енгиш;
- қонуний фойдаланувчилар ҳуқуқларини чеклаш;
- компьютер тизимларини, техник воситаларни ишини издан чиқариш каби амалларни бажаради;

Ҳозирда ҳужумкор ахбарот қуролига қуйидагиларни келтириш мумкин:

- кўпайтиш, дастурларга кириш, алоқа линиялари, маълумот узатиш тармоғи орқали узатиш, бошқарув тизимини ишдан чиқариш ва шу каби қобилиятларга эга бўлган компьютер вируслари;

- мантиқий бомба - дастурий ўрнатма қурилмалари, сигнал бўйича ёки аниқ вақтда ҳаракатга келтириш учун ҳарбий ёки фуқоралик инфрзатузилма ахбарот-бошқарув марказларига олдиндан киргизилади;

- телекоммуникация тармоқларида ахбарот алмашишини сусайтирувчи, давлат ёки ҳарбий бошқариш каналларида ахбаротни сохталаштирувчи воситалар;

- текширувчи дастурларни нейтраллаш воситалари;

- объектнинг дастурий таъминотига рақиб томонидан онгли равишда турли хатолиглари киритиш;

Ахбарот қуролини қўллаш оқибатини камайтириш ёки олдини олиш учун қуйидаги чора-тадбирларни кўриш керак:

- ахбарот ресурсларини физик асосини ташкил этувчи материал-техник объектларини ҳимоялаш;

- маълумотлар базаси ва банкини нормал ва узлуксиз ишлашини таъминлаш;

- рухсат этилмаган киришлардан, бузиш ёки йўқ қилишдан ахбаротларни ҳимоялаш;

- ахбарот сифатини (вақтидалигини, аниқлигини, тўлаллигини ва фойдалана олишликни) сақлаб қолиш .

Иқтисодий ва ахбарот хавфсизликни таъминлаш ҳар бир мамлакат учун муҳим жараёнлардан биридир, сабаби биргина, Ўзбекистонда 2017 йил давлат муассасалари сайтларига 600 дан ортиқ ҳужумлар бўлган, 2018 йилда бу кўрсаткич 30 фоизга камайган.

Бугунги кунда дунёда бўлаётган кибер ҳужумларнинг 43 фоизи кичик бизнес субъектларига бўлмоқда, бундан ташқари бошқа ахбарот хуружлари асосан почта манзилларига ҳар-хил турдаги хабарлар юбориш орқали содир бўлмоқда. Кибер жиноятларга қарши курашиш мақсадида барча мамлакатларга ортиқча ҳаражатлар қилишга мажбурламоқда, ушбу ҳаражатлар 2015 йилда 3 трлн АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилда 6 трлн

АҚШ долларига етиши кутилмоқда. Бу билан Ахбарот технологиялари ва киберхавфсизлик тизимининг ривожланиши 12-15 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Дунёга машхур “Robert Herjaves group” компанияси маълумотларига кўра, Кибер жиноятлар 2016 йилда 48 фоиз америкаликларнинг кредит карталарида содир бўлган. Лекин дунё миқёсида ушбу ахбарот ҳужумларини уюштираётган манбаларни топишга қарийб 6 ой вақт кетмоқда, бу албатта миллий иқтисодиётларга зарар етказиши табиий.

2019 йилда глобал миқёсда кибер жиноятчиликда 3,5 миллиард АҚШ доллари йўқотилди, ушбу қилинган жиноятлар юридик ва жисмоний шахсларда содир бўлган бўлиб улар сони жами 467 351 та ҳолатларда содир этилган, ушбу ҳужумлар асосан 3 та асосда содир бўлмоқда.

- БЕС/ЕАС фирибгарликлари бўлиб жами 1,7 миллиард доллар зарар келтирилган.

- шахсий почта ва бошқа усуллар ёрдамида ишончга кириш орқали қилинган фирибгарликлар глобал миқёсда 475 млн, АҚШ доллари миқдорида зарар келтирган.

- ҳужжатларни сохталаштириш ва бошқа усуллар ёрдамида жами 300 млн, АҚШ долларидан ортиқ зарар келтирилган.

Агар мамлакатлар статистикасига эътибор қаратадиган бўлсак, интернет тизими яхши йўлга қўйилган мамлакатлар махсус серверларига (кибер) ахбарот ҳужумлари жуда кам бўлган, ривожланган интернет тизими юқори бўлган, АҚШ, Европа иттифоқи каби мамлакатларда эса юқори статистика сақланиб сақланмоқда.

Ҳозирда мамлакатлар ва ахбарот хавфсизлигини ҳимояловчи ташкилотлар юқорида санаб ўтилган муаммоларни бартараф этиш ва унга қарши курашишда махсус дастурий таъминот тизимлари бўйича ишларни амалга оширмоқда.

Ахбарот қуролидан ҳимояловчи дастурий таснифдаги амалий тадбирларга қуйидагилар киради:

1. Халқаро тармоқ орқали турли хил ахбарот алмашинувида иқтисодий ва бошқа тузилмаларнинг эҳтиёжини башоратлаш ва мониторингини ташкил қилиш. Бунинг учун трансчегара, шу қаторда интернет орқали ҳам алмашинувни назорат қилиш учун махсус тузилмаларни яратиш; очик тармоқларда ахбарот хавфсизлиги таҳдидларини бартараф этиш бўйича давлат ва нодавлат идораларнинг чора-тадбирларини координация қилиш; халқаро ҳамкорликни ташкил этиш мумкин.

2. Ахбарот ресурсларининг хавфсизлиги талабларига риоя қилган ҳолда миллий ва корпоратив тармоқларни жаҳон очик тармоқларига уланишини таъминловчи ахбарот технологияларни такомиллаштирувчи давлат дастурини ишлаб чиқиш.

3. Жаҳон ахбарот тармоқларида ишлаш учун оммавий фойдаланувчиларни ва ахбарот хавфсизлиги бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича комплекс тизимини ташкил қилиш.

4. Очик жаҳон тармоқлари фойдаланувчиларининг маъсулиятлари ва мажбуриятлари, регламент ҳуқуқи ва ахбарот ресурслари билан фойдаланиш қоидаларининг миллий қонунчилик қисмини ишлаб чиқиш. Жаҳон очик тармоқлари ишлашининг ҳуқуқий таъминотини ва халқаро қонунчилигини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш.

Албатта ҳозир ҳар бир мамлакатдан электрон тизим ва ахбарот технологиялари соҳалари фаолиятини ривожлантиришда ўзаро ҳамкорлик асосида иш олиб боришни талаб қилмоқда, Агар дунё бўйича ахбарот ҳужумлари ва турли хилдаги кибер жиноятлардан энг кам зарар кўрувчи мамлакатларнинг статистикасига эътибор қаратадиган бўлсак, Швецияда-19,8 %, Финляндияда-20,6%, Норвегияда-21,6%, Японияда-22,2%, Белгияда-22,7%, Буюк Британияда-23,3 %, Швейцария-23,9%, Германияда-24,1%, Данияда-24,1%, Нидерландияда-24,8% зарарланиш ҳолатларини кўриш мумкин. Кўриб турганимиздек ахбарот ҳужумларидан энг кам зарар кўраётган мамлакатлар асосан Скандинавия ва бошқа мамлакатларни кўришимиз мумкин.

<b>Дунё аҳолисининг глобал интернет тизимидан фойдаланиш статистикаси (2020 йил 2-чорак (Q2) натижалари бўйича)</b>						
	<b>Жами аҳоли сони (минг киши)</b>	Дунё аҳолиси (% да)	Интернетдан фойдаланувчилар сони (минг киши)	Аҳолининг интернетдан фойдаланиш даражаси (% да)	Ўсиш кўрсаткичи (2000-2020 йиллар) (% да)	Дунё интернет кўрсаткичи (% да)
Африка	1,340,598	17.2	556,138,772	42.2%	12,441%	11.7%
Осиё	4,294,516	55.1	2,525,033,874	58.8	2,109	52.2
Эвропа	834,995,197	10.7	727,848,547	87.2	592	15.1
Лотин Америкаси ва Кариб	654,287,232	8.4	467,817,332	71.5	2,489	9.7
Яқин Шарқ	260,991,690	3.3	184,856,813	70.8	5,527	3.8
Шимолий Америка	368,869,647	4.7	332,908,868	90.3	208	6.9
Океания ва Австралия	42,690,838	0.5	28,917,600	67.7	279	0.6
<b>Дунё бўйича жами</b>	<b>7,796,949</b>	<b>100.0</b>	<b>4,883,521,806</b>	<b>62.0</b>	<b>1,239</b>	<b>100.0</b>

**Манба:** [www.internetworldstats.com](http://www.internetworldstats.com) - Internet world stats, Usage and Population Statistics –маълумотлари асосида тайёрланди.

Энди ахбарот хужумлари ва бошқа турдаги кибер жиноятлардан энг кўп зарар кўрувчи мамлакатлар сифатида, Хитой-49%, Тайван-47,3, Туркия-40,9%, Россия Федерацияси-38,9%, Гуатемала-37,5%, Мексика-36,8%, Перу-36,2%, Эквадор-36,2%, Бразилия-34,6%, ва Полша 33,1 % атрофида зарар кўрган. Кўриб турганимиздек, Хитой, Россия, Бразилия, Туркия каби мамлакатларда ахбарот хужумларига учраш ҳолатлари кўп кузатилмоқда бунинг асосий сабабларини икки хил тенденция асосида таҳлил қилиш мумкин.

Биринчиси, мамлакатларда ахбарот технология соҳалари мутахассислари сони ошиб бориши билан биргаликда унга хавфлар ҳам параллел равишда ошиб бормоқда.

Иккинчиси, мамлакатларда ҳали ахбарот тизимлари билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги ва кутилаётган ҳавф-хатарларни олдиндан таҳлил қилиш ва тизимлар билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги.

Ҳозирда дунёда ахбарот тизимлари ва кибер жиноятларга қарши курашувчи мукамал ижобий натижаларга эришган ташкилотларнинг тажрибаларини кўриб чиқадиган бўлсак.

АҚШнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш тизими. Миллий хавфсизлик агентлиги (МХА-НБА) – радиоэлектрон туриб қолиш соҳасида жаҳонда пешқадам ҳисобланади. Агентликнинг мақсади-техник воситалар ёрдамида АҚШнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш.

АҚШнинг ташқи хавфсизлигини таъминлашда Марказий разведка бошқармаси (МРБ-СРУ)га асосий ўринлардан бири ажратилган. У ерда бошқа давлатлар томонидан миллий ахбарот инфратузилмага қилинадиган таҳдидлар ҳақидаги ахбаротларни қидириш ва қайта ишлаш бўйича разведканинг имкониётларини кенгайтиришга йўналтирилган режа ишлаб чиқилган ва тадбиқ қилинган. Агентура ишига оид анъанавий усуллардан ташқари, МРБ техник йўл орқали ёпиқ маълумотлар базасига киришни ва очик манбаларнинг таҳлилига эътибор қаратади. Кейинги вақтларда МРБ ахбарот ва компютер технологиялари бўйича мутахассисларни, жумладан ҳакерлар орасидан танлашни амалга оширмоқда.

Федерал текширишлар бюроси (ФТБ-ФБР) ҳам, энг аввола АҚШ инфратузилмасини ҳимоялаш нуктаи-назаридан ахбарот уруши доктринасини татбиқ қилишда иштирок этади. АҚШда компютер жиноятчилигига қарши курашиш мақсадида 1996-йили “Компютерларни қўллаш орқали фирибгарлик ва суъестемол қилишлар тўғрисида”ги федерал қонун қабул қилинган ва ушбу турдаги жиноятчилик билан курашиш бўйича ФТБ таркибида бўлинма ташкил этиш кўзда тутилган. ФТБ телекоммуникация тармоғи орқали амалга ошириладиган айғоқчилик, махфий маълумотларни ошкор қилиш, давлат инстансияларини алдаш, терроризм, хийла ишлатиш ва фирибгарлик каби ноҳуш ҳолатларни текшириш билан шуғулланади. Унинг таркибига компютер

жиноятчилиги билан шуғулланувчи еттига бўлинма киради, уларнинг штати 300 кишини ташкил қилади.

Яна бир муҳим ахбарот хавфсизлигига оид ташкилотлардан бири Буюк Британиядаги ахбаротни ҳимоялаш тизими. Буюк Британияда ахбарот хавфсизлигини таъминлаш давлат тизимини яратишда ахбарот уруши душманининг ахбарот тизимига таъсир этувчи ва бир вақтда мамлакатнинг шахсий тизимларини ҳимояловчи ҳаракатлар деб қаралади.

Секрет Интеллигенсе Сервисе М16 (Secret Intelligence service SIS) – Буюк Британиянинг асосий ахбарот разведка хизмати. СИС Ташқи ишлар вазирлиги (ТИВ) тизимига киритилган бўлиб хорижда 87 та қароргоҳга ва Лондонда штаб-квартирасига эга.

Германиянинг ахбаротни ҳимоялаш тизими. Ахбарот оқимларининг хавфсизлигини таъминлашга маъсул координацияловчи ҳукумат идораси бўлиб, 1991 – йилда ташкил этилган, Федерал хавфсизлик хизмати (БСИ) ҳисобланади. Бу хизмат ахбарот техникаси соҳасида хавфсизликни таъминлайди. Ҳозирда ушбу ташкилот халқаро ташкилотлар билан қуйидаги функцияларни ҳамкорликда бажаради:

- Ахбарот технологияларни жорий этишдаги эҳтимолий хавфни баҳолаш;
- Миллий коммуникация тизимларининг ҳимоялаш даражасини баҳолаш учун мезонлар, усуллар ва синов воситаларини ишлаб чиқиш;
- Ахбарот тизимларининг ҳимояланиш даражасини текшириш ва мувофиқлик сертификатларини бериш;
- Муҳим давлат ва халқаро ташкилотлар объектларига ахбарот тизимларини жорий этиш учун рухсатнома бериш;
- Давлат идоралари, полиция ва бошқа идораларда ахбарот алмашинувида махсус хавфсизлик чораларини амалга ошириш;
- Саноат вакилларига маслаҳатлар бериш.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрь куни “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни химоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4024 сонли қарори.
2. Каримов И.М. Ахборот хавфсизлиги асослари, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2013. –123 б.
3. Муҳаммедов Ж.О. Ахборот хавфсизлиги: муаммо ва ечимлар: Монография.–Т., 2011
4. Аверченков В.И. Системы защиты информации в ведущих зарубежных странах: Учебное пособие. – Брянск, 2017.
5. Lyman, P., Varian, H., “How Much Information 2013”, School of Information Management and Systems, University of California at Berkeley.
6. Jones, A., Ashenden, D., Risk Management for Computer Security, First Edition: Protecting Your Network & Information Assets, Elsevier, 2015.
7. International Organization for Standardization, “Information technology -- Code of practice for information security management”, ISO-17799, ISO, 2017.
8. [www.mitc.uz](http://www.mitc.uz) – Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги расмий сайти.